

Укитувчи Мирсанов Г.К.
TO WALK ФЕЪЛИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ

Аспектуаллик, А.Б. Бондарко таърифи билан айтадиган бўлсак, функционал-семантик майдон бўлиб, гапдаги морфологик, лексик ва синтактик воситалар таъсирида ифодаланадиган ҳаракат оқимини, яъни ҳаракатнинг бошланғич фазасини, тугалланганлигини ёки тугалланмаганлигини тушинамиз. Аспектуаллик, Б, Х, Ризаев таърифи билан айтадиган бўлсак, умумлаштирувчи термин бўлиб, ўз ичига тус категорияси, чегараланганлик/чегараланмаганлик, ҳаракат усули каби тушинчаларни ўз ичига олади(Бондарко, 1971: 12; Ризаев, 1988: 3).

Феълнинг аспектуал семантикаси деганимизда, бир томондан феълнинг чегараланганлиги/чегараланмаганлиги ва иккинчи томондан, феъл ҳаракатининг ушбу чегарага етганлиги, ёки етмаганлигини, яъни феъл ҳаракатининг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигини тушунамиз. Ушбу маъноларни фарқлаш учун биз феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини феълнинг акционал семантикаси деб атаёмиз. Тугалланганлик/тугалланмаганликни эса аспект семантикаси деб атаёмиз. Б. Х. Ризаев ва бир қатор олимлар феълнинг чегараланганлиги тўғрисида шундай фикр билдиради, «чегараланганлик, феъл семантикасига мансуб бўлиб, ички ҳаракатининг табиатида кўзланган чегарасига кўрсатма» (Ризаев, 1988: 8). Демак чегараланганлик, феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, феълнинг ички тугал чегарасининг мавжудлиги билан чегараланмаган феъллардан фарқ қилади. Ички чегара деганда, феъл лексемасининг ўзида мавжуд бўлган ҳаракатнинг бошланиши, тугалланиши, ёки тугал нуқтага интилиши назарда тутилади. Чегараланмаганлик, чегараланганликка қарама-қарши маънода бўлиб, феъл томонидан ифодаланган ҳаракатнинг бошланғич, якуний чегараси мавжуд эмаслигини билдиради.

Биз қуйидаги ўтган замон индефинит шаклида **to walk** феъли ифодалаган акционал ва аспект маъноларни кўриб чиқамиз.

To walk феълнинг Лонгмэн лўғатига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги юриш-ҳаракат маъноларини ифодаловчи изоҳларга дуч келишимиз мумкин; а) субъектнинг бирор муҳитда оёқлар воситасида табиий ҳолатда ҳаракат қилиши. Walk, don't run./ The old lady walked slowly round the garden. б) бирор жойни оёқлар воситасида босиб, орқали ўтмоқ; How far the station, can I walk it. в) бирор муҳитга, жойга оёқлар воситасида йўналган ҳаракат; ушбу ҳолатда, ўша муҳит ёки объект йўналишини кўрсатадиган, чегара вазифасини бажарувчи равиш ва предлоглар билан ҳам қўлланилади. I'll walk you home. г) каузатив маънода қўлланилиб, (бирор ҳайвонни) сайр қилдириш, юргизиш каби юриш-ҳаракат маънолари мавжуд. He is walking the dog. (Longman. 1992. 1182).

Ушбу келтирилган а), г) маъноларида **to walk** феъли чегараланмаган акционал хусусиятга эга бўлган бўлса, б), в) маъноларида чегараланган

хусусиятга эга. Демак to walk феълини лимитатив нейтрал феъллар гуруҳига киритишимиз мумкин. Лимитатив нейтрал феъллар ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик функцияларини бажариши мумкин(Ризаев, 1999: 40).. И. П. Иванова ҳам ушбу феълни икки тусли феъллар гуруҳига киритади (Иванова, 1961: 68)

To walk феъли гапда турли аспект маъноларни ифодалаб келиши мумкин. **To walk** феълнинг қай ҳолатларда ҳаракатнинг тугалланганлик ёки тугалланмаганлик маъноларини ифодалашини, яъни аспект семантикасини кўриб чиқамиз.

To walk лимитатив нейтрал феъли чегараланмаганлик функциясида куйидаги аспектual ситуацияларни ифодалаб келиши мумкин.

To walk феъли бирор субъектга хос юриш-ҳаракатни ифодалаб келиганда, субъект ҳаракатининг оқимини кузатишимиз мумкин.

(1) He was short and old, with a white mustache and walked flat-footed (Hem, 118).

Ушбу мисолда келтирилган flat-footed равиши, субъект бажарган ҳаракатнинг ўша шахсга хослигини, яъни to walk ифодалаган ҳаракатнинг таъризини англантиб келган.

Келтирилган мисолда **to walk** ифодалаган ҳаракатда асосий белги процесс бўлиб келган, демак, аспект нуқтаи назардан процессуал аспектual ситуацияни вужудга келтирган.

To walk феъли шунингдек бирор муҳитда, ноаниқ йўналишда субъектнинг ҳаракатини англантиб келади. Яъни субъект ҳаракати аниқ йўналишга эга эмас.

(2) They all walked behind the carts (Stone, 392).

(3) He walked in the rain, an old man with his hat off a carabineer on either side (Hem, 201).

Бу мисолларда соф процесс ифодаланган бўлиб, яъни субъектнинг муҳитдаги якуний нуқтаси мавжуд бўлмаган йўналишдаги ҳаракати ифодаланган.

To walk феъли **down, along** предлог ва равишлари билан бирикиб келганда ҳаракатнинг маълум бир троектория бўйлаб давом этишини кузатамиз, аммо ушбу ҳолатда ўша йўналиши ёки троектория якуний нуқтага эга эмас. Маълумки **along** равиши юриш-ҳаракат феъллари билан бирикиб келганда «олдинга» йўналган ҳаракатни англантиб келса, **along** предлог вазифасида бирор троектория бўйлаб йўналган юриш-ҳаракат феъли ифодалаган ҳаракатни оқимини англатади. **Down** предлоги ҳам **along** предлоги сингари бирор троекторияда, ёки бирор муҳитда юриш- ҳаракат феъли ифодалаган ҳаракатни йўналишини билдиради.

(4) We walked along the railroad track (Hem, 191)

(5) He linked his arm through hers as they walked down the narrow sidewalks of Hanukkahs main street (Stone, 173).

(6) We walked down the corridor (Hem, 144).

Аспект нуқтаи назардан процессуал аспектиал ситуация ҳосил бўлган. Процессуалликни ўша троекториядаги субъектнинг ҳаракат оқими билан изоҳлашимиз мумкин.

“**On**” равиши юриш-ҳаракат феъллари билан келганда ушбу феъллар ифодалаган ҳаракатнинг (олдинга) давом этишини ифодалаб келади(Longman, 721).

(7) We walked on away and were stopped under a tree (Hem,51).

(8) I walked on down a back street that led to a crosscut to the hospital (Hem,51).

Келтирилган мисолларда кўрганимиздек **to walk** феъли англатган ҳаракатнинг давом этиши ифодаланган бўлиб, давомийлик “**on**” равиши таъсирида вужудга келган, демак ушбу ҳолатда биз ҳаракатнинг оқимини ва унинг давом этишини кузатамиз.Аспект нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак процессуал аспектиал ситуация+давомийлик ҳосил бўлган.

To walk феълнинг чегараланган хусусиятга эга бўладиган ҳолатлар асосан куйидагича кўриниш олади а) субъект ҳаракатининг аниқ якуний пункти мавжуд бўлган ҳолатда (йўналиш манзили предлог, равишлар томонидан ифодаланади); б) субъект ўзи турган манзилни тарк этиши(асосан **away** равиши билан қўлланилади); в) субъект ҳаракат қилаётган муҳит чегараланган бўлиб, субъект ўз ҳаракатини ушбу муҳитда тугатиши билан боғлиқ бўлган ҳолатларда(ўрин, миқдор даража ҳоллари вазифасида келган сўзлар қўлланилганда).

Toward предлоги юриш-ҳаракат феъллари билан келганда бирор йўналишдаги ҳаракатнинг якуний манзилга етмаганлигини англатади.(Longman,1124)

(9) As I walked toward them shots were fired (Hem,200).

(10) The Count Greffi straightened up when I came toward the table and walked toward me (Hem, 228).

Ушбу мисолларда якуний чегара мавжуд бўлсада ҳаракатнинг ўша чегарага етиб тугалланмаганлигини кузатамиз, ҳаракатнинг доминант белгиси процесс бўлиб, аспект нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак процессуал аспектиал ситуация ҳосил бўлган.

Away равиши юриш-ҳаракат феъллари билан бирикиб келганда субъектнинг бирор жой ёки бирор объектдан бошқа объект ёки бошқа жойга бўлган ҳаракатини ифодалайди.

(11) I'll see you in a little while "Miss Barkley said" Miss Ferguson walked away in the dark. (Hem,47)

Ушбу мисолда субъектнинг кузатувчидан йироқлашиши, яъни ҳаракатнинг бошланиб сўнгра давом этишини кузатишимиз мумкин. Ушбу мисолда ҳаракатнинг бошланиши+процессуал аспектиал ситуация вужудга келган.

Down предлоги вертикал (пастга) йўналишдаги ҳаракатни англатишга ҳам қўлланилади

(12) We walked down the stairs instead of talking the elevator(Hem,87).

(13) At ten he walked briskly down the hill to the important European and English newspapers (Stone,93).

Ушбу мисолларда **down** предлоги **to walk** ифодалаган ҳаракатнинг вертикал йўналишини ифодалайди. Аспект нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак процессуал аспектuali ситуация ҳосил бўлган. Субъектнинг вертикал (пастга)йўналишдаги ҳаракати якуний нуқтага етган эмас. Гапда, субъектнинг маълум масофани босиб ўтишини ифодаловчи ўрин ҳолида келган конкретизаторлар ҳам **to walk** феълига чегараланганлик хусусиятини беради.

(14) They waked the short distance to the hotel, followed by porters (Stone,336).

(15) A month later the girl walked three miles from Neorhori to thank him fell on her knees and kissed shoes (I.Stone,139).

Келтирилган мисолларда маълум масофани кўрсатувчи "*short distance*" "*three miles*" каби миқдор даража ҳоли вазифасида келган конкретизаторлар субъектнинг ўша муҳитда бажарган ҳаракатнинг тугалланганлигини, яъни ушбу масофа босиб ўтилганлигини кўрсатади. Субъект ўша масофада маълум вақт ҳаракатда бўлган, демак процесс мавжуд ва шунингдек субъект ўз ҳаракатини ҳам тугатганлиги терминативлик ҳосил бўлганлигини кўрсатади. Демак, аспект жихатдан қарайдиган бўлсак процессуал аспектuali ситуация+терминатив аспектuali ситуация ифодаланаган.

Over равиши юриш-ҳаракат феъллари билан бирикиб келганда, субъект томонидан бажарилган ушбу юриш-ҳаракат феъллари ифодалаган ҳаракат бирор муҳит ёки масофани босиб ўтиб якуний пунктга етишини англатади(Longman, 1992. 733).

(16) Inside, at the Cova, I bought a box of chocolate and while the girl wrapped it up I walked over to the bar(Hem, 119). Ушбу мисолда процессуал аспектuali ситуация+терминатив аспектuali ситуация вужудга келган. Процессуалик субъект турган бошланғич пункт ва объект ўртасида мавжуд бўлган масофадаги ҳаракат оқими томонидан ифодаланган бўлса, терминативлик ўша ҳаракатнинг объектга етиб тугалланганиши билан изоҳланади.

Through предлогли от бирикмаси юриш- ҳаракат феъллари билан келганда, субъектнинг бирор муҳит ички, ён қисмидан ўтиш, ёки оралаб бошқа қисмга ўтиш маъносини англатади(Longman, 1992. 1102).

(17) After dinner we walked through the galleria, past the other restaurants and the shops with their steel shutters down, and stopped at the little place where they sold sandwiches. (E. Hem.

(18) They walked through the courtyard which served as a pen for the family's sheep, goats, pigs, cows, horses, then set out diagonally one mile across the field that lay between Cepalak and Hissarlik (Stone, 119).

Ушбу келтирилган мисолларда **to walk** ўрин ҳол вазифасида келган *through the galleria, through the courtyard* бирикмаларидаги ифодаланган муҳитда субъект ҳаракатининг маълум вақт давом этиб ўша муҳитдаги ҳаракатини тугатишини кузатишимиз мумкин. Демак, аспект нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак процессуал аспектuali ситуация+терминатив аспектuali ситуацияни ҳосил қилган.

Юриш-ҳаракат феъллари **to** предлоғли от бирикмаси билан келганда **to** предлоғи бирор объектга бўлган йўналишни англатади (Longman. 1992. 1115).

(19) They walked to a nearby café (Stone, 307).

(20) After a while I walked with her to the door of the villa and she went in and I walked home (Нем, 49).

Келтирилган ушбу мисолларда **to**, предлоғи **to walk** феъли томонидан ифодаланган ҳаракатнинг якуний нуқтасини кўрсатиб келган, ҳаракатнинг оқими мавжуд, аммо ҳаракатнинг терминал нуқтага етиб тугалланганлиги эса ноаниқ. Ушбу ҳолатда дуал аспектuali ситуацияни кузатишимиз мумкин.

Up предлоғи юриш-ҳаракат феълларининг бирор объект йўналишидаги ҳаракатини шу объектга етиб тугалланганлигини ифодалайди. (Longman. 1992. 1159))

(21) The ten cents carried Martin across the ferry to San Francisco, and as he walked up Market Street he speculated upon his predicament in case he failed to collect money. (J. London. 298)

Келтирилган ушбу мисолда **to walk** ифодалаган ҳаракат терминатив пунктга етиб тугалланган бўлиб ТАС ҳосил бўлган. Терминативлик асосан **up** предлоғи билан боғлиқ.

Into предлоғи юриш-ҳаракат феъллари ифодалаган ҳаракатнинг бирор объект ички қисмига йўналтирилганлигини англатса, **out** предлоғи ички қисмдан ташқарига бўлган ҳаракатни англатади (Longman, 1992.).

(22) When she walked into her stone house, which now stood on the edge of Henry's latest excavation trench, she thought for a fleeting moment that the memory of Photides's attack might return. (Stone. 263)

(23) Henry walked out of the room and the house. (Stone, 80)

Аспект нуқтаи назардан келтирилган мисолларда процессуал аспектuali ситуация+терминатив аспектuali ситуация ҳосил бўлган. Процесс феъл семантикасида мавжуд бўлса, терминативлик бирор чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ.

Биз юқорида **to walk** феълнинг фақатгина ўтган замон индефинит шаклидаги аспект маъноларини кўриб чиқдик.. Кўриб чиқилган таҳлилдан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, **to walk** лимитатив нейтрал феъли ўзининг чегараланмаган функциясида қуйидаги аспектuali ситуацияларни ҳосил қилган: биринчи-олтинчи мисолларда процессуал аспектuali ситуация ҳосил бўлган. Еттинчи, саккизинчи мисолларда процессуал аспектuali ситуация+давомийлик аспектuali ситуация ҳосил бўлган. Процессуаллик феъл семантикасида мавжуд бўлса, давомийлик **on** равиши таъсирида вужудга келган. **To walk** феъли чегараланмаган функцияда келганда эса қуйидаги аспектuali ситуацияларни ҳосил қилган: тўққизинчи-ўнинчи мисолларда ҳаракатнинг бирор нуқта йўналишидаги оқими ифодаланган бўлиб, процессуал аспектuali ситуация мавжуд. Ўнбиринчи мисолда **to walk** лимитатив нейтрал феъли **away** равиши билан бирикиб келши натижасида вужудга келган бошланиш+процессуал аспектuali ситуацияни кузатишимиз

мумкин. **Down** предлоги вертикал йўналишни ифодалаб келганда (ўн иккинчи, ўн учунчи мисоллар) ҳам процессуал аспект уал ситуация юзага келган. Процесс+терминатив аспект уал ситуация асосан **over** равиши ва **through** предлогли от бирикмалар билан келганда (ўн тўртинчи-ўн саккизинчи мисоллар) ва шунингдек босиб ўтилган масофани кўрсатувчи ўрин жой, микдор даража ҳоллари вази фасида келган субстантив билан ҳосил бўлган. Дуал аспект уал ситуация эса **to walk** феъли **to** предлоги билан келганда ҳосил бўлиб, ҳаракатнинг терминал нуктага етганлиги ноаниқ. Йигирмабиринчи мисолда эса терминатив аспект уал ситуация **up** предлоги таъсирида вужудга келган. Йигирма иккинчи ва йигирма учинчи мисолларда процесс+терминатив аспект уал ситуация ҳосил бўлганлигини кузатишимиз мумкин, ушбу ҳолатда процесс феъл семантикасида мавжуд бўлса, терминативлик чегарани кесиб ўтиш натижасида вужудга келган. Демак, **to walk** лимитатив нейтрал юриш-ҳаракат феълининг ўтган замон индефинит шаклларидаги аспект маънолари послелог(равиш) ва предлогларга боғлиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бондарко 1971- Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. Л., 1971.
2. Бондарко 1983- Бондарко А. В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. Л., 1983.
3. Иванова 1961- Иванова И. П. Вид и время в современном английском языке. Л., 1961.
4. Ризаев 1988- Ризаев Б. Х. Проблемы немецкой аспектологии. “Фан”. Ташкент. 1988.

Фойдаланилган лўғатлар

1. Longman. Longman Dictionary of Contemporary English. Москва. 1992.
2. Hornby 1992- Hornby A. S. The advanced Learner’s Dictionary of Current English. Ставрополь. 1992.

Фойдаланилган бадиий адабиётлар

1. Stone 1976- I.Stone. The Greek Treasure. New American Library. New York. 1976.
2. Hemingway 1976- E. Hemingway. A Farewell to Arms. Moscow. 1976.